“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 26-27 (937) ● 2013-yil, 28-iyun, juma

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасида хизмат қилаётган инсонларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ва барчангизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

27 июнь куни — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб эълон қилинган бу санага бу йил роппа-роса йигирма йил тўлаётгани нафақат соҳа хизматчилари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда қутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одамларимизни, кенг оммани янгича фикрлашга, маънавий уйғоқликка, онгу тафаккуримизни ўзгартиришга даъват этадиган қудратли кучга, қисқача айтганда, кундалик ҳамроҳимизга айланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида “Тўртинчи ҳокимият” сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида авваламбор журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими — буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очиқ ва равшан қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Ва бу оғир юкни, бундай масъулиятли вазифани сиз, азиз дўстларим шараф билан ўз зиммангизда, ўз елкангизда кўтариб келмоқдасиз.

Матбуот, телевидение, турли информация воситаларининг — бугунги глобаллашув замонида жаҳон миқёсида барча-барча ўлкалар ва халқлар ҳаётида ҳал қилувчи ўрин олаётган бу соҳанинг тобора ошиб бораётган аҳамияти ва таъсири ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғланиб бораётганини инобатга олмайдиган мамлакат ўз ривожида умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетиши ва интеллектуал бойлигидан жудо бўлиши табиийдир.

Ҳаётда ўз тасдиғини топган ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида марказий ва ҳудудий телерадиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасида кенг кўламли ислоҳотлар, техник ва технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг катта амалий самарасини бермоқда.

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткични 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани айниқса эътиборлидир.

Жумладан, охирги вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб”, “Болажон” телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб бораётганининг тасдиғини юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етгани, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, анъанавий ахборот тизимлари билан бирга интернет сайтлари, интернет-радио, интернет-телевидение ҳам ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон теле-радио каналлари томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб давлатларига узатилаётгани, юртимиз оммавий ахборот воситаларининг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани мамлакатимизнинг халқаро медиамакондан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги байрам кунида нафақат ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юритиш, балки матбуот ва оммавий ахборот воситаларимизнинг олдида турган долзарб вазифалар, йўлимизда ҳали-бери тўсиқ-ғов бўлиб, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳақида холисона ва атрофлича фикр алмашиб олишимиз айни муддао бўларди.

Шу маънода, маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб бера оладиган, эски тузум асоратлари ва қолипларидан бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён эта олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда давлатимиз, бутун жамиятимиз, шахсан ўзим зарур кўмак ва рағбатлантириш чораларини кўришга, сиз, журналистларнинг олдингизда пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечишга тайёр эканимни билдиришни истардим.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига авваламбор уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, гражданлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо беради ва ўйлайманки, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳодир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги нотинч ва таҳликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда сиз, азиз журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюк тарих ва меросга эга эканимизни англаб, ана шу бебаҳо бойликни қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот аҳлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири ғоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамини кенг нишонлар эканмиз, миллий журналистикамиз ривожи йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча инсонларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор самимий табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




# Юксак рағбат ва эътибор — фаоллик омили

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни оммага очиқ, холис ва тезкор етказиш – давр тақозоси.

Мустақиллик йилларида миллий оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати ва таъсирчанлигини, журналистлар маҳоратини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибордан мақсад — халқимизнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жиҳатлар 27 июнь куни мамлакатимизда кенг нишонланган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тадбирларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

2 ➢

# Очиқ, ошкора ва жонли мулоқотлар

**дастурий вазифаларимиз доирасидаги ишлар самарадорлигини оширади**

**Семинар**



Қарши шаҳрида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Қашқадарё вилоят партия Кенгаши ҳамкорлигида “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва депутатларнинг фаолиятини ташкил этишда Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳудудий Кенгашларининг мувофиқлаштирувчи роли” мавзуида Республика сиёсий ўқуви ташкил этилди.

3 ➢




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида**

2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқаради.

2 ➢

**Муносабат**

# Ишончни оқлаймиз



Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига сафарини корхонамиз билан танишишдан бошлаганлигини, Юртбошимизнинг “Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу фабрика мамлакатимизда енгил саноатни изчил тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалий натижасидир”, дея алоҳида такидлаб ўтганлиги биз ёшларнинг кўнглимизни тоғдек кўтарди.

6 ➢

*Келгуси сонда:*

**Ёш авлодга эътибор — келажакка эътибор**

Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти" Кенгаши раиси, фракция аъзоси Зуҳра Ботированинг Конимех ва Навбаҳор туманларида ўтказган тадбирлари шу мазуга бағишланди.

# Юксак рағбат ва эътибор — фаоллик омили

Давоми. Боши 1-бетда

Шу куни Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун байрам сайллари ташкил этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбирида вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократикислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикрини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етди. Бугун босма нашрларнинг қарийб 53 фоизи, теле ва радиоканалларнинг 64 фоиздан зиёди, веб-сайтларнинг эса 98 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Мамлакатимизда яшайдиган миллат ва элатларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Телекоммуникациялар тизими сунъий йўлдош орқали дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Президентимиз Ислом Каримов баён этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги каби қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда матбуот вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига биноан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттириш, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» анъанавий республика кўрик-танлови фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи журналистларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги танловга 142 ҳамкасбимиз томонидан 3 мингга яқин ижодий иш тақдим этилди.

Тадбирда "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга фаол ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналистлар тақдирланди.

Мамлакатимиз медиа муҳити ривожида заҳматкаш ноширлар, матбаа соҳаси ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ноширлар ва матбаа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида "Энг яхши нашриёт", "Энг яхши матбаа корхонаси", "Энг яхши муқоваловчи", "Энг яхши босма устаси" ва "Энг яхши технолог" номинациялари бўйича ўз мукофотларини таъсис этди. Йиғилишда мазкур номинациялар бўйича ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири Насриддин Асриддинов, Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби Тамара Машарипова, «Uzbekistan Today» газетаси мухбири Екатерина Соболева юртимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш ва ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Давлатимиз раҳбарининг табригини тинглаб, мустақил Ватанда эркин ижод қилиш катта бахт эканини яна бир карра чуқур ҳис этдик, — дейди "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиби, НТТ телеканали мухбири Ҳабиб Пўлатов. — Бундай танловлар ва юксак ғамхўрлик ижодий рағбат, фаоллик ва изланишга ундайди. Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларнинг аҳамиятини оммага янада тезкорлик ва холислик билан етказиш борасидаги ишларимизга янги куч-қувват бағишлайди.

Байрам тадбири санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов иштирок этди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
ЎзА мухбири

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда




Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва "5000" рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида голографик эффектли ичкарига ботувчи ҳимоя ипи ўтказилган.

Билет олд томонининг юқори қисмида "O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшинкор элементлар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида еттита рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшинкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида билетнинг қийматини билдирувчи "5000" рақами тасвирланган.

Гербнинг ўнг тарафидаги "5000" рақами устига йирик ҳарфлар билан "SO`M" сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида билет қиймати сўз билан "BESH MING" кўрсатилган.

Нақшинкор рамканинг пастки қисмида "O`ZBEKISTON SO`MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO`LOVLAR UCHUN O`Z QIYMATI BO`YICHA QABUL QILINISHI SHART" ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг жигарранг нақшинкор рамкаси, "O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги "5000" рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган "5000" рақами унинг диагонали бўйича фарқланган икки хил рангда ишланган. Рақам тепасида билетнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил "2013" кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида рангли нақшинкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида "5000" рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида "OLIY MAJLIS" меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи "5000" ва "SO`M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан "BESH MING" кўрсатилган.

Уларнинг пастки қисмида турли баландликдаги, қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини ёрқин тилла рангдан оч яшил рангга ўзгартирувчи иккита "5000" рақамлари жойлашган.

Шунингдек, банкнотнинг "5000" рақамдаги қиймати унинг юқори ўнг бурчагида ҳам тасвирланган.

Пастки қисмида "O`ZBEKISTON SO`MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TAQIB QILINADI" ёзуви жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

# Матбуот мавқеи:

## таъсирчан сўз, мустақил фикр, аниқ нуқтаи назар, холис муносабат

**Депутат минбари**

Жамиятда кечаётган демократик ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш ва янада чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратишда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган холис минбарга айлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида айтиб ўтилганидек, инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлиги мамлакатимизда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тошидир.



**Камола ҲАМИДОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Мустақиллик йилларида бу мақсадга эришиш борасида самарали ишлар қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган қонунчилик базаси яратилди. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айни чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш имконини берди. Натижада миллий матбуотимиз саҳифаларида собиқ тузум шароитида тақиқлаб қўйилган ғоят муҳим ва долзарб мавзулар, танқидий мушоҳадалар, баҳс-мунозара кўрина бошлади. Жамият ҳаётини демократлаштиришда оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларни янги шароитларга мос равишда йўлга қўйиш, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан ўтказилиши мумкин бўлган босимларни бартараф қилиш бирламчи вазифа бўлиб қолди. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик вужудга келгач, бу вазифанинг аҳамияти янада ортди.

Собиқ тузум пайтида матбуотга яккаҳоким партиянинг "нишонни бехато урадиган ғоявий қуроли" мақоми берилган бўлиб, таҳририятлар асосан, юқоридан бўладиган кўрсатма асосида фаолият юритар, хоҳлаган кишини кўкларга кўтариб мақташи, ундан сунъий қаҳрамон ясаши ёки аксинча, беаёв танқид қилиши мумкин эди.

Тан олиш керакки, неча ўн йилликлар давомида ягона ҳукмрон мафкуранинг кўрсатмалари асосида иш кўриб келган матбуотнинг эркин демократик йўлга ўтиши осон кечмади. Жамиятда тамомила янги реаллик — ошкоралик, баҳс-мунозара муҳити юзага келаётганди, матбуотда аввалгидек қуруқ ҳамду сано эмас, жиддий танқидий мулоҳазалар ҳам эълон қилинаётганди. Мустақиллик матбуоти, аввалгидек, ҳукм чиқарувчи, одамларнинг тақдирини ҳал қилувчи қурол эмас, жамиятдаги турли соғлом қарашларни, турлича нуқтаи назарларни эркин ифодаловчи демократик минбарга айланди.

Матбуотда фикрлар хилма-хиллигига эришиш, баъзилар талқин қилганидек, мавҳум, бажариб бўлмайдиган талаб эмас. Фикрлар хилма-хиллиги — бу миллий тараққиёт йўлида белгиланган мақсад-муддаога етишнинг хилма-хил йўллари, шакл ва усуллари билан боғлиқ тушунча. Шундай экан, матбуот жамиятдаги маълум тоифа ёки айрим гуруҳларнинг ҳаёт ҳақиқатига зид, жамиятда носоғлом муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган, ҳиссиётларни ўринсиз қўзғайдиган, кимларнингдир ғаразли манфаатларига хизмат қиладиган "мулоҳаза"ларни бемалол чоп этувчи имкониятга айланмаслиги керак.

Матбуотнинг мавқеи, сўзининг таъсирчанлиги, энг аввало, унинг мустақил фикри, аниқ позицияси, воқеа-ҳодисаларга холис баҳо бера олиши ва, албатта, хабардорлик даражаси билан боғлиқ. Ахборот, турли янгиликлар, воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотлари, уларнинг сабаб ва оқибатлари хусусидаги таҳлил ва мушоҳада матбуотнинг, у қандай мақомда бўлишидан қатъи назар, қон томири ҳисобланади. Ҳаётнинг бугунги тезкор шиддати, одамларнинг турмуш тарзи, дунёқарашида, ўй-фикрларида юз бераётган ўзгаришлар журналистлардан касб маҳоратларини тинимсиз ошириб боришни, мамлакат, миллат, жамият олдида турган энг муҳим, долзарб вазифаларни теран идрок этишни талаб қилмоқда. Шу маънода Юртбошимизнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ва бу борада Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш таклифи жамиятимизда демократик тамойилларни янада мустаҳкамлаш, матбуот ва сўз эркинлигини янги сифат босқичига кўтариш пайти келганининг далолатидир. Чунки жамият очиқ бўлмас экан, матбуот ўзининг бош вазифасини тўла адо эта олмайди, унинг қон томирларида ахборот оқими сустлашиб қолади. Вақтида айтилган, етказилган ва мушоҳада қилинган ахборот эса, шубҳасиз, тараққиётга, огоҳликка хизмат қилади.

> «...бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак».

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, миллий матбуотимиз тизимида сиёсий партиялар таъсис этган нашрларнинг пайдо бўлишидир. Партиялар Марказий Кенгаши қошида матбуот хизматлари фаолияти йўлга қўйилгани, сиёсий нашрларнинг ёш ходимлари учун маҳорат мактаблари, турли ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилаётгани ҳам эътиборга молик воқеа. Журналистика назарияси ва амалиётида мамлакатимизнинг икки палатали парламенти фаолиятини, сайлов жараёнини ёритиш, матбуотда партиялараро рақобатнинг ўзига хос хусусиятларини, чунончи, партия нашрларида баҳс-мунозара юритиш этикасини ўрганиш каби янги тушунчалар пайдо бўлди. Журналист кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг ўқув режаларига шу муносабат билан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, дарслик ва қўлланмалар тайёрланди. Тегишли факультетлар ва сиёсий партиялар матбуот хизматлари ўртасида самарали ҳамкорлик алоқалари юзага келди, ўқув жараёнини бевосита амалиёт билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.




**Акмал САМЕДЖАНОВ,**
Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгаши депутати

Яна бир муҳим ўзгаришни партиялараро рақобатнинг партия нашрларида акс этаётганида кўриш мумкин. Сиёсий партиялар нашрларида "Партиялараро баҳс", "Ўз-ўзини танқид" рукнлари остида эълон қилинаётган материалларга бугун эҳтиёж ҳам, қизиқиш ҳам катта десак, хато бўлмайди. Бу материалларнинг зарур ва афзаллиги шундаки, ҳар қандай тортишув, баҳс-мунозара, агар у мақсадга мувофиқ даражада олиб борилса, бефойда, ўринсиз "даҳанаки жанг"га айланмаса, жамиятда сиёсий маданият ошади, тафаккур ривожланади, одамларнинг ижтимоий фаоллиги юксалади. Мантиқан якунланган ҳар бир мунозара жамиятнинг турли қатламларига мансуб кишиларни миллий ғоямизнинг асосий тамойиллари ҳисобланган эл-юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ ҳаётининг фаровонлигига бефарқ бўлмасликка, бу борада фидойи ва куюнчак бўлишга даъват этади.

Истиқлол йилларида қабул қилинаётган қонунларнинг барчаси сиёсий партияларнинг мамлакат Қонунчилик палатасидаги фракциялари томонидан қизғин муҳокама қилинади. Табиийки, бу жараённи ёритиш ҳам партия нашрлари зиммасига тушади. Бундан англашиладиган хулоса шуки, партия нашрларида қалам тебратаётган журналистлар, юқорида баён этилган янги ижтимоий-сиёсий реалликдан келиб чиқиб, назарий билим ва амалий кўникмаларини доимо мустаҳкамлаб боришлари, касб маҳоратларини муттасил оширишлари талаб этилади. Партиялараро рақобатнинг кучайиши эндиликда ижтимоий ҳаётимизнинг узвий бир қисми, ижтимоий-сиёсий фаолликнинг ўзига хос талаби бўлиб, бу жараённинг қамрови йилдан-йилга, баҳсдан-баҳсга, сайловдан-сайловга ошиб боради. Демакки, партиявий нашрларнинг журналистлари бу жараённинг бевосита ичида бўлиши ва унда фаол иштирок этиши, рақобатчи партия ва сиёсий ҳаракатларнинг Низоми, сайловолди платформалари, парламентда қабул қилинаётган қонун ёки қарор лойиҳаларига, жамиятда кечаётган жараёнларга ҳар бир фракциянинг муносабатини, улар орасидаги тафовутни яхши тасаввур қилиши, зарур ҳолларда холис баҳолай олиши лозим.

Журналистикада қиёсий таҳлил у ёки бу воқеага тўғри ва адолатли "ташхис" қўйишнинг самарали усули ҳисобланади. Бу усул партия нашрлари журналистларига жуда қўл келади, деб ўйлаймиз. Аммо бунда бир муҳим жиҳат мавжудки, уни эътибордан соқит қилиш мутлақо мумкин эмас. Баҳс-мунозара дегани — фақат тортишиш, иккинчи томоннинг фикрини тамомила рад этиш, қабул қилмаслик, ўзининг ҳамиша ҳам тўғри ва холис бўлмаган қарашларини зўр бериб тасдиқлаш дегани эмас. Партиялараро баҳсда, партия нашрларидаги тортишувларда, энг аввало, юксак сиёсий одоб ва маданият, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмаслик, шахсиятга тегмаслик, баҳс мавзусидан ташқарига чиқмаслик каби муҳим жиҳатлар талаб этилади.

Партия нашрлари, ўз-ўзидан равшанки, бошқа нашрлардан маълум жиҳатлари билан фарқ қилади. Бундай газеталарнинг ҳар бир сонида партия ички ҳаёти, бошланғич ташкилотлар фаолияти, партия фаолларининг таҳлилий чиқишлари, ўз-ўзини танқид, назарий мақолалар, амалий мулоҳазалар, оддий аъзоларнинг куюнчак мактублари бўлиши шарт, албатта. Аммо шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, партия нашрларини фақат партия аъзоларигина эмас, ижодкор зиёлилар, олимлар, ўқитувчи-мураббийлар, ёшлар, бошқа касб эгалари ҳам ўқишади. Бинобарин, газета ижодкорлари шу тоифа газетхонларни унутмасликлари, таҳририятга йўлланаётган мактубларга алоҳида эътибор билан қарашлари ва бу билан партия сафларига янги, мустақил фикрлайдиган фаол аъзоларни жалб қилишлари зарур.

Жамият ўзининг яқин-келгусидаги ва пировард натижадаги мақсад-муддаосини аниқ белгилаб, шу йўлда изчил одимлаётган бир шароитда партиялараро рақобат, бошқа томоннинг ҳам фикрига қулоқ тутиш фойдадан холи эмас. Зеро, ҳақиқат баҳс-мунозарада, соғлом курашда ойдинлашади.



# Очиқ, ошкора ва жонли мулоқотлар

## дастурий вазифаларимиз доирасидаги ишлар самарадорлигини оширади

Давоми. Боши 1-бетда

Унда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари раислари, фаоллар, воҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Партия фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада бойитиш, ҳудудлардаги илғор иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш, фуқаролар ўртасида партиявий тарғибот ишларини ҳар томонлама замон талаби даражасида ташкил этиш мақсадида уюштирилган сиёсий ўқувда турли долзарб мавзулардаги маърузалар тингланди. Айниқса, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг "Ўзбекистон "Адолат" СДП IX Пленуми тавсияларидан келиб чиқиб, янги босқичда ва 2015 йилгача ҳал этилиши зарур бўлган масалаларда партия ҳудудий Кенгашлари ва депутатлик бирлашмаларининг долзарб вазифалари тўғрисида"ги маърузаси тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди. Маърузачи партия сиёсатини амалга оширишнинг асосий шакли сифатида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳудудларни ривожлантиришда аниқ ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимидаги иштирокини кучайтириш, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ечими юзасидан муқобил лойиҳаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида таклиф сифатида киритилишида партиялараро рақобат намоён бўлишининг ўзига хос тенденциясини ишлаб чиқишга алоҳида урғу берди.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсад қилиб белгиланган, — деди Н.Умаров. — Шу туфайли, энг аввало, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириб, сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтариш лозим. Бу муҳим масала эса, ўз-ўзидан аёнки, сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклайди. Партиямиздан сайланган депутатлар ва фаолларимиз кўпроқ халқ ичига кириб боришлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган режаларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни маҳаллий Кенгашлар сессияларида алоҳида масала сифатида киритиб, унинг ечимида ташаббус кўрсатишлари керак.

— Бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида партиямиздан сайланган 28 нафар депутатлар фаолият олиб бормоқда, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси, маҳаллий Кенгаш депутати Абдуқаҳҳор Аҳмедов. — Депутатлик гуруҳлари қонунлар ижросини назорат-таҳлил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга кўмаклашадиган қонунларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва доимий комиссиялари сессияларига партия позициясидан келиб чиқиб, аниқ таклифлар киритиб келмоқдалар.

Хусусан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросида Муборак, Шаҳрисабз ва Ғузор туман маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида ўзларининг амалий ишлари билан фаоллик кўрсатишган бўлса, ҳудудларнинг маиший инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини газ, сув ва иссиқлик билан таъминлашга оид масалаларни ҳал этишда Косон, Китоб туманлари депутатлари, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида эса Яккабоғ, Китоб, Чироқчи туман кенгашларидаги партиямиз вакиллари фаол иштирок этишди. Аммо, шунга қарамай маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз фаолиятида камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Ўйлаймизки, шу каби семинарлар уларга камчиликларидан тўғри хулоса чиқаришга, берилаётган таклифлар асосида ўз зиммасидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилишга туртки беради.

Шунингдек, маърузачи ҳудудий кенгашлар депутатлари фаолиятини намунали ташкил этиш учун ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш ва партия кадрлари масъулиятини ошириш юзасидан тўпланган тажрибалар ҳақида фикр юритиб, бу икки омил партиявий иш самарадорлигини таъминлашда муҳим эканлигини таъкидлади. Барча даражадаги депутатлик гуруҳлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда фаол иштирок этиш учун жамоатчилик назорати механизмидан самарали фойдаланишлари лозимлиги, сайловчилар билан бўладиган учрашувларда электоратни ўйлантираётган муаммоларга эътибор қаратиши ва унинг ечими юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари киритишда фаоллик кўрсатишлари, бунда ҳудудий партия ташкилотлари ва БПТлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозимлиги юзасидан ўз таклифларини билдирди.



Анжуманда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муниса Суюнованинг "Ҳудудий ва маҳаллий даражада партия манфаатини ифодалайдиган депутатлик бирлашмалари фаолиятининг ривожи тенденциялари", Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими мутахассиси Даврон Кесимовнинг "Қашқадарё вилояти мисолида Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик бирлашмалари ва депутатларининг рақобатдош партия депутатлари билан фаолиятининг қиёсий таҳлили", партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ходими Тоҳир Шамсибоевнинг "Жойларда (туман партия Кенгашлари, БПТда) депутатлар фаолияти учун шароит яратиш тажрибаси" мавзуидаги маърузаларини ҳам йиғилганлар қизиқиш билан тинглади.

Баҳс-мунозараларда жуда кўп саволларга жавоб олинди, амалий иш таклифлари муҳокама этилди.

Тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари ўртасида илғор ахборот ва ғояларни доимий равишда алмашиш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли ҳудудлардан сайланган аъзолари билан ҳамкорлигини, депутатлар корпусининг салоҳияти ва фаоллигини, партияларнинг депутатлар гуруҳлари ташаббускорлигини оширишга қаратилган ишини янада кучайтириш ва бу гуруҳларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳамда уларнинг доимий комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этиши каби иш усулларини амалиётга кенг жорий этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Анжуман иштирокчилари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари ва БПТлар иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб, қўлга киритилган ютуқларни эътироф этдилар, йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, таклиф-тавсияларини бердилар.

— Вилоятда "Адолат" СДП ташкилотлари томонидан партиявий-ташкилий, ғоявий-сиёсий ишларни олиб боришда ўрганишга, оммалаштиришга арзийдиган тажриба тўпланган, — деди партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Парида Пармонова. — Менга, айниқса, Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари очиқ ҳиссадорлик жамиятида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти иши маъқул бўлди. Бу ерда ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ички ҳужжатларни юритиш, жойларда оммавий-сиёсий тадбирларни ташкил этишда муайян ютуқларга эришилган. Яна бир янгилик — ҳар ойнинг бешинчи кунига қадар вилоятнинг 14 та шаҳар ва туманларидаги 300 нафарга яқин аъзоларнинг бадал тўлови бошланғич партия ташкилоти орқали вилоят Кенгашининг ҳисоб рақамига электрон тўлов тизими орқали келиб тушаркан. Албатта, иш юритишнинг бу каби замонавий, қолаверса, амалиётда синовдан ўтган усулини биз ҳам ҳудудимизда жорий этамиз.

— Сиёсий ўқув очиқ, ошкора, жонли мулоқот тарзида ўтгани билан аҳамиятли бўлди, — деди партия Фарғона вилояти Кенгаши раиси Наримон Шодиев. — Айниқса, долзарб мавзуларда ўқилган маърузалар фаоллар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун сиёсий билимларини ўстиришда катта туртки бўлди. Биз фаолиятимизга оид назарий билимларимизни амалий тажрибалар асосида янада бойитдик.

Зеро, бугунги ислоҳотлар жараёни, энг аввало, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия фаоллари ҳамда унинг қуйи бўғинларидан сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиш, ўз электорати манфаати ва хоҳиш-истакларини қонуний ифода этишга кўмаклашиш, аҳолининг ғоявий-сиёсий маданиятини янада юксалтиришда ташаббускор ва қатъиятли бўлишни тақозо этади. Демак, бирон-бир мутасадди ташкилот раҳбари қонун талабларига амал қилмаётган, сайловчи ёхуд партия электорати талабига бефарқлик қилаётган экан, бундай ҳолатларга муросасиз бўлиш ҳам депутатлардан куч ва ирода талаб этишини унутмаслик лозим.

Ўқув-семинар давомида Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг бошланғич ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, муҳим ҳаётий масалаларни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессияларига киритиш юзасидан амалий таклифлар ҳам муҳокама этилди.

Умуман олганда, Қарши шаҳрида ташкил этилган сиёсий ўқув партиямиз фаолияти самарадорлиги янада ошишига хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

**Комил САХАТОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

# Оқила ва ташаббускор

### «Адолат»нинг адолатли аёллари

Мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган имтиёзлар аёлларимизнинг ҳар жабҳадаги фаолликларини ошириб, уларнинг оила ва фарзанд тарбиясидан ташқари бажара оладиган имкониятларини, иқтидор ва қобилиятларини намоён этишларига чексиз имконият яратмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, аёлларимиз нафақат оқила уй бекаси, меҳрибон она, балки катта ишлар бошидаги ишбилармон, тадбиркор, муаллим, шифокор, сиёсатчи, олима сифатида жамият ривожига ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Қолаверса, бу ғамхўрлик ва эътибор фақат аёллargагина эмас, уларнинг оиласи, фарзандларига ҳам кўрсатилаётган эҳтиром намунасидир.

Бугун Ўзбекистон «Адолат» СДП сафида ҳам ана шундай юксак салоҳиятга эга опа-сингилларимизнинг борлиги, уларнинг юртимизда кечаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётганликлари, бу йўлда партия хотин-қизлар билан ишлашни мунтазам йўлга қўйгани диққатга сазовордир. Зеро, партиямиз аъзоларининг 49,6 фоизини хотин-қизлар ташкил этади ва улар партиямиз электоратининг энг фаол қатламларидандир. Хусусан, биргина ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқларидан бири саналмиш ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла тизимида минглаб партиядош ва хайрихоҳларимиз меҳнат қилиб, баркамол авлод тарбияси йўлида ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Андижон туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Самидахон Олимова ана шундай фаол, «Адолат»нинг адолатли аёлларидан биридир.

— «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат бошқаруви органларининг кўплаб ҳуқуқ ва ваколатлари маҳаллаларга берилмоқда, — дейди С.Олимова. — Бунинг натижасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли ҳуқуқий маданияти ва маърифий билимини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларни мустаҳкамлаш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, умуман, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фуқаролар йиғинларининг иштироки кенгаймоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон тумани кенгаши «Аёллар қаноти»нинг аъзоси ҳам эканлигим зиммамдаги масъулиятли вазифаларни самарали бажаришимда қўл келмоқда. Ташкил этилаётган ҳар бир тадбиримиз партия кўмаги ва ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Бинобарин, бугунги кунда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятининг тобора юксалишида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Самидахон опанинг ташаббуси билан маҳаллада партиянинг бошланғич ташкилоти тузилганида атиги саккиз нафар аъзо мавжуд эди. Орадан икки йилча вақт ўтиб, 20 нафар партиядошларни бир мақсад йўлида бирлаштирган мазкур БПТ бугунги кунда тумандаги энг намунали қуйи бўғинлардан бирига айланди.

Яқинда БПТ ташаббуси билан маҳаллада ташкил этилган «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — обод ва фаровон турмушни таъминлашнинг муҳим омили» мавзуидаги давра суҳбатида қўлида касб-ҳунари бор, ташаббускор қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишга жойлашишларига кўмаклашиш, олис қишлоқларда яшовчи аёлларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш, сиёсий-ҳуқуқий ҳамда тиббий саводхонликларини ошириш, партия сафидаги иқтидорли хотин-қизларни кадрлар захирасига жалб этиш каби вазифалар юзасидан тегишли тавсиялар белгилаб олингани юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Дарвоқе, Самидахон опа яқинда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичида ғолиб бўлди. Бу эса партиядошимизни янада руҳлантириб, янги-янги марралар сари олға етаклайди.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот котиби

# Журналистлар — «Адолат»чилар сафида

### БПТ — партия кучи

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сайловолди дастурида партия Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сурадиган жамиятда яшашни истайдиганларнинг ёрдамига таяниши ва ишониши қайд этилган. Бу борада партия электоратининг катта қисмини ташкил этувчи зиёлилар қатламининг алоҳида ўрни бор, албатта.

Биргина Наманган вилояти партия Кенгашининг 6238 нафар аъзоларини жипслаштирган 158 та бошланғич партия ташкилотлари таркибида ҳам зиёлиларнинг етакчилиги алоҳида кўзга ташланади. Яқинда ана шундай БПТлар сони ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини илгари сурадиган бир гуруҳ ижодкор зиёлилар ҳисобидан яна биттага кўпайди. «Янгиқўрғон ҳаёти» газетасининг ижодий жамоаси касб байрамлари — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида қуйи партия ташкилотига бирлашдилар.

Таъкидлаш жоизки, «Янгиқўрғон ҳаёти» Наманган вилоятида нашр этила бошлаган тўнғич газеталардан бири. Унинг дастлабки сони чоп этилганига саксон икки йил бўлди. Айни пайтда ижодий жамоа туманда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни кенг ёритиш, аҳолининг маънавий-маърифий даражасини юксалтириш, жамоатчиликнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида изчил фаолият олиб бормоқда. Саҳифалардан ўрин олаётган материаллар ўзининг мавзуси долзарблиги, пишиқ-пухталиги, таъсирчанлиги ҳамда таҳлилга бойлиги билан ўқувчилар эътиборини қозониб келмоқда.

БПТнинг биринчи таъсис йиғилишида қайд этилганидек, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришга қаратилган партия дастурий ғоялари журналистларнинг касбий мақсадлари билан ҳамоҳанг эканлиги эътиборга моликдир.

— Ҳар бир киши, айниқса, зиёли инсон жамиятда фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, сиёсий жараёнларда мунтазам қатнашиши лозим, — дейди газета мухбири Муҳаммадраҳим Умматов. — Айниқса, биз журналистлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол тарғиботчиси ва иштирокчиси сифатида доимо олдинги сафда бўлишимиз керак. Мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қатори «Адолат» партиясининг дастурий ғоялари, амалга ошираётган ишларидан доимий хабардормиз ва олдимизга қўйган мақсадларимиз унга муштарак бўлгани боис ўз сиёсий позициямизни айни шу партия орқали намоён этмоқчимиз.

Йиғилишда сўз олган газета бош муҳаррири Дилбар Асқарова бугунги кун ижодкори жамиятимизда юз бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий янгиланишлардан, қолаверса, бутун дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан биринчилардан бўлиб хабардор бўлиши ва уни кенг халқ оммасига тезкорлик ва холислик билан ёндашган ҳолда етказиши, фуқароларда дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади. Қолаверса, жойларда фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий масалаларни ҳам дадил кўтариб чиқиш ва шу орқали жамиятда ижтимоий адолат тамойилининг устуворлигини таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшишлари кераклигини қайд этди.

Бир сўз билан айтганда, «Янгиқўрғон ҳаёти» газетаси таҳририятида етти киши «Адолат» СДП аъзолигига қабул қилинди ва газета мухбири Муҳаммадраҳим Умматовга БПТ етакчилиги ишониб топширилди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот котиби

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Касб байрамимиз – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни газетамиз учун жуда қувончли кечди. Зеро бир эмас, икки ижодий ходимимиз журналистлар учун ташкил этилган нуфузли танловлар ғолиби бўлишди.

"Адолат" газетасининг Фарғона водийси бўйича махсус мухбири Саидолим Абдураҳмонов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг "Йилнинг энг фаол журналисти-2012" танлови ғолиби бўлди.

Газетамизнинг Самарқанд вилоятидаги махсус мухбири Зоҳир Тўрақулов эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказиб келинаётган журналистика соҳасида "Инсонга наф келтириш – олий бахт" республика анъанавий танловининг босма ОАВ йўналиши бўйича 2-ўрин ғолиби деб топилди.

*Ғолибларни қутлаймиз!*



Нигоҳ

# Дунёқарашда, фикрлаш тарзида ўзгаришлар юз бермоқда

Президентимизнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари меҳнаткашлари билан учрашувларида шу нарса аён бўлдики, бугунги фермер хўжаликлари аста-секин кўптармоқли хўжаликларга айланиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.







Кейинги икки ўн йилликда шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси, одамларнинг яшаш шароити, ижтимоий инфратузилма тубдан ўзгарди. Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари молиявий-иқтисодий таназзул боис, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келиб турган, ишсизлик муаммоси ўта кескинлашаётган бир пайтда, Ўзбекистонда махсус давлат дастурлари қабул қилиниб, қишлоқларимизда намунали лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан асло кам бўлмаган уй-жой массивлари қурилаётгани, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар берилаётгани чиндан ҳам ифтихорга молик ютуқ ҳисобланади. Қишлоқ жойларида янги типдаги уй-жой қуриш бўйича махсус дастурда кўзда тутилган режаларни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро молия ташкилотлари ҳам иштирок этаётгани айни муддао бўлмоқда. Бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг дунё миқёсида ишончли ҳамкорга айланаётгани, мамлакатимизда демократик ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётгани, халқ фаровонлигини оширишнинг истиқболли режалари пишиқ-пухта ишлаб чиқилгани натижаси десак, тўғри бўлади. 2011 йилда Осиё тараққиёт банки директорлар кенгаши жами 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кўп траншли молиялаш дастурини Ўзбекистонда қишлоқ жойларида уй-жойлар қуришни ривожлантириш лойиҳаси учун маъқуллаган эди. Ўтган йили ана шу маблағнинг 160 миллион долларлик биринчи транши берилганди. Ушбу йилда эса 200 миллион долларлик иккинчи транши тақдим этилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда йўл қурилиши мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Хусусан, темирйўл транспорти ва унинг мураккаб инфратузилмасини ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланди. Натижада минглаб километрлик янги темир йўллари қуриб, фойдаланишга топширилди, Самарқанд, Бухоро, Қарши йўналишларида "Регистон", "Шарқ", "Насаф" тезюрар поездлари қатнови йўлга қўйилди. Бундан икки йил аввал "Тошкент-Самарқанд" йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электропоезди қатновининг йўлга қўйилгани Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти тобора ошаётганидан далолатдир. Йўловчиларга жаҳон андозаларига мос равишда хизмат кўрсатиладиган бундай поездлар юртимизда туризм соҳасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олиб, "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компаниясига қарашли Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи мутахассислари сайёҳларга мўлжалланган энг замонавий вагонларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Тошкент марказий вокзалидан "Тошкент-Самарқанд", "Қарши-Бухоро-Урганч" йўналишлари бўйлаб йўлга чиқаётган "Афсона" поездидаги қулайликлар чиндан ҳам афсонага ўхшайди. Бу лойиҳаларни истиқлол йилларида эришган энг муҳим ютуқларимиз қаторига киритсак бўлади...

Дунё мамлакатлари тарихидан яхши маълумки, истиқлол, миллий озодлик ягона мақсад йўлида узоқ давом этган курашлар, оғир йўқотишлар натижасида қўлга киритилади. Аммо уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш, ўтиш даврининг ижтимоий-иқтисодий мураккабликларига дош бериш янада қийин кечади. Тарихда хотиржамликка берилиб, ўз эркини қўлдан бой бериб қўйган давлатлар ҳам бўлган. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бу улуғ ва азиз неъматни асраб-авайлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, янги жамиятнинг бошқарув тизимини шакллантириш, таълим-тарбияни замон талаблари асосида йўлга қўйиш ва бошқа кўплаб муаммолар ечими юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар бошлаб юборилди.

Тарих учун йигирма икки йил кўп вақт эмас. Аммо биз шу йилларнинг ҳар бирини яратиш, бунёд этиш, ижтимоий адолатни, миллий ғурур ва ифтихорни тиклаш, тинчлик-тотувликка эришиш, дунёга чиқиш, дунё ҳамжамияти эътирофини қозониш йилларига айлантирдик.

Неча минг йилликлар давомида кўрмаган, гувоҳ бўлмаган нарсаси қолмаган бу донишманд дунёни ҳайратга солиш осон иш эмас. Аммо кейинги йигирма икки йил ичида Ўзбекистонда давлатнинг бош ислоҳотчилигида, халқнинг қатъий азму қарори, ғайрат-шижоати, фаровон келажакка ишонч туйғуси, ёшлар, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги билан амалга оширилган ишлар чиндан ҳам ҳайратланарли десак, муболаға бўлмайди. Бу — юртимизда ўтказилаётган кўплаб халқаро анжуманлар иштирокчилари, нуфузли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар, иқтисодчи олимлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш халқаро марказлари мутахассисларининг фикри. Содда қилиб айтганда, Ўзбекистонда кейинги йигирма икки йил ичида нимага эришилган бўлса, уларнинг барчаси халқимизники, ўзимизники, келажагимизники.

Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолимизнинг дастлабки кезларида бутун мамлакатни ижтимоий муаммолар қамраб олгани, таъминотдаги узилишлар, собиқ марказдан келаётган таҳдидлар жамиятдаги тангликни янада жиддийлаштиргани, бунинг устига, ўз умрини яшаб бўлган сохта тузум тарафдорларининг турли фитна-найранглари, узоқ-яқиндан келаётган хуружлар кўпчиликнинг ёдида, албатта. Аҳволни ўнглаш, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, одамларнинг истиқлолимизга бўлган ишончини сусайтирмаслик учун кескин, аммо пишиқ-пухта, халқимиз манфаатларига ҳар жиҳатдан мос чоралар кўриш, адолатли қарорлар қабул қилиш, бунинг учун эса бутун масъулиятни зиммага олиш зарур бўлди. Не бахтки, биз бу оғир синовдан, тарихий бурилиш палласидаги ҳаёт-мамот имтиҳонидан омон-эсон ўтдик.

Биз бугун эмин-эркинликда кечаётган умримизнинг йигирма иккинчи довонида туриб, босиб ўтган йўлимизга, эришган муваффақиятларимизга, ҳаётимизда, онг-шууримизда юз берган ўзгаришларга ва, айниқса, истиқлол шароитида ўсиб улғайган ёшлар фаолиятига назар ташлаб, фикру мулоҳазаларига қулоқ тутар эканмиз, қалбимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради, дунёнинг бугунги шиддатига ҳар жиҳатдан мос янги баркамол авлод камолга етаётганига, ўтган йилларнинг ҳеч бири, ҳеч ойи изсиз, самарасиз кетмаганига амин бўламиз. Бу йилларни истиқлол солномасининг энг мураккаб, аммо бениҳоя сермазмун ва шарафли саҳифалари десак, муболаға бўлмайди.

Инсон ҳамиша яхши кунларни орзу қилади, роҳат-фароғатда умргузаронлик қилишни ўйлайди, у бунга ҳақли, албатта. Аммо бунга эришиш кўп жиҳатдан унинг ўзига, меҳнатига, изланишига, бурч ва масъулиятини нечоғли англашига боғлиқ. Бугун ишонч билан айта оламизки, мустақиллик йилларида одамларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий маданияти, хабардорлик даражаси ошди, дунёқарашида, фикрлаш тарзида муҳим ўзгаришлар юз берди. Собиқ тузум давридаги ҳаммага тенг миқдорда меҳнат ҳақи тўлашдек номақбул принципнинг барҳам топиши, эндиликда ҳар бир киши ўз меҳнати самарасидан тўла баҳраманд бўлишга, мулкка эгалик қилишга ва уни тасарруф этишга, фарзандларига мерос қилиб қолдиришга ҳақли экани ва бу ҳуқуқнинг қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилиши мамлакатда ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракатини юзага келтирди, бу ҳаракат кўп ўтмай моддий манфаатдорлик мақоми билан бирга ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлиб, мамлакат миқёсидаги умум ҳаракатга, миллий иқтисодиётимиз ривожининг етакчи омилига айланди.

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон фуқароларининг миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, тенг ҳақ-ҳуқуққа эгалиги қатъий белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислоҳотлар, аввалambор, унинг манфаати, оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим. Бунинг учун ҳар бир киши бугунги тезкор ва талабчан замондан ортда қолмай, ўзининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги ва хабардорлик даражасини, ислоҳотлар самараси учун ижтимоий масъуллик туйғусини янада ошириши, фуқаро сифатида фаол бўлиши, жамият ҳаётида, дунёда, ён-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаши ва тўғри хулоса чиқариши лозим бўлади.

Қувончлиси шундаки, ортимиздан замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, жаҳоний тажрибалардан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, эътиқоди мустаҳкам янги авлод — ҳаётимизнинг эртанги давомчилари келаётир. Тажрибадан маълумки, мустақил фикрга эга бўлган бундай ёшларни тўғри йўлдан чалғитиб бўлмайди. Улар жамиятнинг фидойи, куюнчак аъзолари, ўз Ватани, улуғ аждодлари билан фахрланадиган, зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис этадиган ёшлар сифатида ҳар қандай баҳс-мунозарада ўз қарашларини ҳимоя қилишга қодирдирлар. Янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган баркамол ўғил-қизлар билан фахрланиш ва энг дадил истиқбол режаларини тузиш мумкин.

**Худоёр МАМАТОВ,**
**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

# Йигирма икки ёшингдан ўргилай, Ватан!

**Қиёс ва таҳлил**

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори билан танишар эканман, кўз ўнгимда ўтган кунлар кино тасмасидай жонланди.

Ўшанда ўн уч ёшдаги бола эдим. Тўнғич ўғил бўлганим боис тез-тез қишлоғимиздаги ягона дўконга ул-бул харид қилгани бориб турардим. У пайтлари ун тақчил, ўсимлик ёғи талаш бўларди. Ҳатто оддийгина хўжалик совунининг ўзига туриладиган турнақатор навбатга вақт топсанг пул, пул топсанг вақт топилмасди. Одамлар тирикчилик ўтказишнинг минг бир йўлини ахтаришар, бир неча оила дўппидек ҳовлида қисиниб-қимтиниб яшарди.

Тўрт ўғилни ёлғиз улғайтираётган онам тиним билмас, биргина боғчанинг ўзида икки юмушда — ҳам энага, ҳам печларга кўмир қалайдиган гўлаҳ бўлиб ишлардилар.

Қиш бўйи она-бола тонг отмай боғчага отланардик. Ўттиз учта печкага олов илашгунча мен онамга кўмакчи бўлардим. Сўнг мактабга кетардим. Ўқишдан қайтгач, уйга бирров кириб чиқардиму, то чошгоҳгача боғча ўтинхонасида ишлардим. Тун пардаси туша бошлаган пайтда онам кўмир солинган челакларни ҳар бир печканинг олдига элтиб, тонгги иситишга тайёрлаб қўярдилар. Кейин уйга қайтардик...

Баҳор, ёз... то ҳосил йиғиштириладиган кеч кузга қадар дала ишидан ортмасдик. Аммо деярли тўққиз ойлик меҳнатимиз эвазига кеч кузда бир арава ғўзапояга эга чиқардик, холос.

90-йилларга келиб рўзғоримизга озгина барака кириб қолди. Ўша оғир кунларда оиламизга кўпчилик қатори ўн сотихли қўшимча томорқа ери беришди. Биз ундан унумли фойдалана бошладик.

Энди билсам ўшанда дунёда, мамлакатимизда, ён-атрофимизда, ҳатто, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда, шахсий ҳаётимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг фаҳмига етмаган эканман. Ҳолбуки, бу талотўплар онг-шууримизни занжирлаб-боғлаб ташлаган собиқ тузум гарчи парчаланган бўлса-да, қизил мафкуранинг сохта, ғайри ахлоқий тамойиллари чиппакка чиққанига қарамай унинг жон талваса қилаётган пайтлари экан. Шу боис одамлар ўзгарган, уларнинг руҳида ҳам ўзгариш пайдо бўла бошлаганди.

Дарҳақиқат, тузум парчаланаётган кезлари марказ талваса ичра баёнот тарқатишдан чарчамасди. Бу ҳам етмагандек, дунёқараши аввалги мафкура таъсирида шаклланган, суяги партиявий ишларда қотган ўзимизнинг баъзи бир маҳаллий раҳбарлар ҳам отдан тушсалар-да, оёқни узангидан олишни исташмасди. Собиқ тузумдан қолган пароканда иқтисод, таъминотдаги узилишлар, пештахталарнинг бўшаб қолиши туфайли юзага келаётган турнақатор навбатлар, айниқса, мафкуравий бўшлиқ ва бунинг оқибатида юзага келган нохушликлар кишиларни иккилантириб ҳам қўйганди.

Бундай мураккаб шароитда Юртбошимизнинг журъати, қатъияти ва шижоати билан оқилона йўл танланди. Миллий тараққиётнинг Ўзбекистонга хос ва мос модели ишлаб чиқилди. Бу модел мамлакатимизда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий тамойилларини ўзида қамраб олди.

Қарангки, орадан йиллар ўтиб, дунё яна бир муаммога — молиявий-иқтисодий инқирозга дуч келди. Айни паллаларда ҳам "мана ман" деган амалиётчи олимлар бу ташвишдан қутилиш чораларини излашмоқда. Айниқса, ўтган сўнгги уч йил минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солувчи жуғрофий-сиёсий, мафкуравий ва этник ниқоблар остида кечган турли қарама-қаршиликлар, зиддият ва можароларга бой бўлди. Аммо шундай бир шароитда Ўзбекистон халқаро сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик борасида илгари сурган ташаббуслар минтақавий ва глобал стратегик мувозанат ҳамда тинчлик-осойишталик сақлаб қолинишида муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидланганидек, глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётган кунларда ҳам мамлакатимизда 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатлари, макроиқтисодий мутаносиблик, аҳоли ҳаёт даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга эришиш кўлами сақлаб қолинди. Ялпи ички маҳсулот (8,2 фоиз)дан тортиб, саноат (7,7 фоиз) ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (7 фоиз) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсди. Энг муҳими, қайси бир юртларда қорин ғами устуворлик касб этиб турган бир паллаларда бизнинг давлатда ижтимоий соҳани, хусусан, таълим (34 фоиз) ҳамда соғлиқни сақлаш (14,5 фоиз) соҳаларини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратилди.

Бу энди янги тарих. Ёзилажак ва ёзилаётган, сиёҳи қуримаган тарих. Аммо биз ўтмиш тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганишга изнсиз эдик. Йигирманчи асрнинг уч чорак даврида улуғ аждодларимиз қолдирган илмий, маънавий меросдан ҳам бебаҳра эдик. Бу давр бизни Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбобидан, темурийзодалар маърифатидан ва не-не улуғ аллома бобокалонларимиз ибратидан узиб қўйган эди. Ҳолбуки ўша пайтларда улуғ ва мўътабар зотларимиз мероси хорижий давлатларда фидойи олимлар, мозийшунослар томонидан қунт билан ўрганилар, илмий анжуманлар ўтказилар, асарлар ёзиларди. Биз эса, «оға»лар ёзган китобларни ўқирдик, ўрганардик.

Мана энди ортга қарайлика, эмин-эркин, озод ва мустақил ҳолда йигирма икки йил йўл юрганимизни, бу йўллар маданий-маънавий ҳаётимизни жиддий ўзгартирганини кўрамиз. Мустақиллик бизга тилимизни, тарихимизни, миллий ва диний қадриятларимизни қайтариб берганига гувоҳ бўламиз. Бироқ бу миллий ўзликни англаш жараёни осонликча кечмаганини, бу жараён эски тузум тамомила вайрон бўлган, янги ёш жамият эса, энди-энди оёққа тураётган унинг ижтимоий муносабатлари аста-секин қарор топаётган бир пайтга тўғри келганлиги туфайли жуда оғир кечганлигини ҳис этамиз. Ўз навбатида ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий масалалар билан шуғулланишга, истиқлолимизга нисбатан бўлаётган ошкора-пинҳона хуружларга жавоб қайтаришга тўғри келганлигини англаймиз.

Ўтган йиллар ва йўллар ёш мамлакатни қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятининг муносиб аъзосига айлантирди. Дунёнинг тараққий топган давлатлари билан бўйлаша бошладик. Бироқ аминманки, ўша пайтларда ҳаммамиз ҳам вақт етиб, керак бўлса, жуда қисқа фурсатларда ўз онг-шууримизда, турмуш тарзимизда шу қадар катта ўзгаришлар юз беришини хаёлимизга ҳам келтира олмаганмиз. Боз устига бугунгидек бутун мамлакатни, шаҳар ва қишлоқларнинг гўзал қиёфасини тасаввур эта олмаганмиз. Кимдир «Кун келиб ўзбекнинг ўғил-қизлари ҳам жаҳон майдонларида оламшумул ғалабаларга эришади», деб айтса ишонмаган бўлардик. Зеро, бизнингча орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқиши учун жуда узоқ йиллар зарур эди. Аммо бутун дунё гувоҳ бўлиб турибдики, бугун орзуларимиз ушалди, кўзлаган мақсадларимизга бирин-сирин эришяпмиз. Айтайлик, ифтихоримиз Тошкентнинг «Ислом маданияти маркази» деган мақомга муносиб қурилишидан тортиб, мамлакатимизнинг чекка қишлоқларигача бўлган ва бўлаётган улкан қурилиш, бунёдкорлик ишлари бизни ҳақли равишда ана шундай ўйлашга изн беради.

Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувликнинг ўзи бир олий неъмат эканлигини барчамиз яхши тушунамиз. Деярли ҳар куни қўли баланд келаётган маҳоратли спортчиларимиз шарафига қайси бир мамлакатда давлатимиз мадҳияси янграётганидан, байроғимиз кўтарилаётганидан фахрланамиз. Мустақиллигимизнинг йигирма икки йилининг ўзи келажак авлодларга қолдираётган улкан мерос — гуллаб-яшнаган, озод ва обод Ватан қолдираётганлигимиздан ифтихор туямиз, «Йигирма икки ёшингдан ўргилай, Ватан!» дегимиз келади.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
"Adolat" мухбири,
"Йилнинг энг фаол журналисти"
кўрик-танлови ғолиби

# Депутатлар

## ҳаётий масалаларга бепарво эмас

**Депутатлик гуруҳи**

Партия мақсад ва ғоялари, шунингдек, Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилиши, унинг халқ орасига кириб бориши ва одамлар ишончи оқланиши, жойлардаги мавжуд муаммоларга ечим топишда депутатлик гуруҳлари фаолиятининг самарадорлиги муҳим ўрин тутади. Зеро, электоратни ўйлантираётган масалаларни маҳаллий кенгашлар ва доимий комиссиялар сессияларида кўтариб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросида фаол иштирок этиш халқ орасида партия обрўйини оширишга ҳам хизмат қилади.



Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга муҳим эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларининг вилоятдаги ижроси, Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлислари, қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар ва қонунчилик ташаббуслари ижроси таҳлилларига қаратилган. Бундан ташқари депутатлик гуруҳлари ҳукумат қарорлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси ҳамда сессия кун тартибига киритилган, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги доимий комиссияларида муҳокама этилган масалаларни изчил кўриб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда партиянинг халқ депутатлари вилоят Кенгашида 7 нафар, туман ва шаҳар кенгашларида 43 нафар депутатлар фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия вилоят Кенгаши ва депутатлик гуруҳи томонидан аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, депутатлар иш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тўртта семинар-тренинг ўтказилди. Шунингдек, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари керакли йўриқнома ва бошқа услубий қўлланмалар билан таъминланди.

Қайд этиш лозим: вилоят Кенгаши депутатларига ўз сайлов округлари ҳудудидаги МФЙларда истиқомат қилувчи фуқаролардан жами 135 та мурожаатлар тушган бўлса, уларнинг 120 дан зиёди ижобий ҳал этилган.

Сайловчилар билан 62 маротаба, шаҳар ва туман кенгашидаги депутатлар томонидан 120 та учрашув ўтказилган. Жами 20000 нафардан ортиқ фуқаро иштирок этган ушбу тадбирларда асосан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мазмун-моҳияти, ёшлар тарбияси, аҳоли сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш мавзулари қамраб олинган.

Шунингдек, Самарқанд вилоятидаги партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан "Муқобил энергияни кенг жорий этиш ва атроф-муҳитни ифлосланитиришдан сақлаш тўғрисида"ги масала вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг май ойида аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишларнинг очиқлигини таъминлашни кўзда тутиб, партиянинг депутатлик гуруҳи "Вилоятда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш, соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, жумладан, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар" ҳақида вилоят ҳокими ўринбосари М.Нурқуловнинг ҳисоботини эшитди.

Шунингдек, вилоят электр тармоқлари ОАЖ корхонасига Ўзбекистон "Адолат" партияси вилоят депутатлик гуруҳи раҳбари Ш.Жамолов томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши иш режаси талаблари ҳамда партия дастури, сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, "Соҳага йўналтирилган маблағ ва инновацион ишланмалардан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар" ҳақида ҳисоботини эшитиш бўйича депутатлик сўрови юборилди.

Бугунги кунда вилоятда электрон хизмат тизими кенг ривож топган. Бу тизим савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида аҳолига қулайликлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бироқ жойлардан олинаётган маълумотлар ва фуқароларнинг мурожаатларига кўра, электрон хизмат тизимида ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар мавжуд. Шу боис накд пулсиз электрон тўловлар айланмасидаги масалани 2013 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтадиган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессиялари кун тартибига киритилиши бўйича таклиф тайёрланмоқда.

2012 йил охирида ўтган йилги фаолиятимизни танқидий нуқтаи-назардан кўриб чиққан бўлсак, жорий йил бошида йўл қўйилган хато ва камчиликларимиздан хулоса чиқариб, "Обод турмуш йили" учун режалар тузгандик. Кенгаш сессияларида вилоят иқтисодиёти тармоқларига инвестиция киритиш ва шу ҳисобдан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларни янада ошириш борасидаги ишлар ҳолати, туманларда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш борасидаги вазифалар ижроси бўйича амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, "Обод турмуш йили"да аҳоли турмуш даражасини ошириш, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлашда 2013 йилга белгиланган "Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш" дастури ижросини ўрганиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ер ажратиш, қурилиш, пудрат танловлари, ҳамда қуриб битказилган уй-жойларга ичимлик суви, табиий газ тармоқларини тортиш, йўл қуриш ва бошқа қулайликлар яратиш борасида туман ҳокимликлари, "Қишлоқ қурилиш инвест" ва вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи хизмати - Инжиниринг компаниялари фаолияти атрофлича кўриб чиқилди. Вилоят ҳудудида саноат ишлаб чиқарилиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, чакана савдо айланмаси ва аҳолига турли хизматлар кўрсатишни белгиланган дастур параметрларига асосан ижросини таъминлаш масалалар юзасидан ҳам режалар белгилаб олинди.

**Маҳмуд БОБОЁРОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Самарқанд вилояти Кенгаши
раиси

**Депутат аралашуви билан**

Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик корпуси ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Депутатлар фаол, ташаббускор ва жонкуяр бўлса, партия обрў-эътибор топади, ўз ортидан кишиларни эргаштиради. Партиянинг жойлардаги ташкилотлари ҳам ўз депутатларини қўллаб-қувватлаши, ҳар бир ишда ёнма-ён туриши жуда муҳим. Шунда партия катта кучга айланади.

# Муаммолар ҳал этилмоқда

Ўзбекистон «Адолат» СДП-дан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар орасида халқ ғамини ўз ғами деб биладиган, электорат манфаатлари йўлида фидойи, жонкуяр депутатларнинг кўпчилиги жойларда партия мавқеини янада мустаҳкамлаш ва хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда замин бўлмоқда. Партиянинг Навоий вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳларида ҳам шахсий намуна кўрсатаётган, ҳамиша эл дарди билан яшайдиган, уларнинг оғир кунларида елкадош бўлиб, қувончу ташвишларини баҳам кўрадиган депутатларнинг борлиги кўпгина хайрли ишларда, жойлардаги ижтимоий муаммоларнинг ўз ечимини топаётганлиги ҳамда ижтимоий адолатнинг қарор топаётганлигида намоён бўлмоқда.

Хусусан, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳига Кармана почта бўлимидан тарқатилаётган обуна нашрларининг аҳолига тўлиқ ва ўз вақтида етиб бормаётганлиги хусусида мурожаат келиб тушди. Мурожаат депутатлик гуруҳида атрофлича ўрганилди. Тегишли мутасаддиларга депутатлик сўрови юборилди. Натижада мазкур масала ижобий ечим топди.

Бундан ташқари, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳига "Сарой" қишлоғи фуқароларининг мурожаатлари асосида қишлоқда замонавий тўйхона қуриш ва 2 километрлик зовурларни тозалашга ҳомийлар жалб этилди. Бунда маҳаллий фермерлар билан ҳамкорлик яхши натижа берди. Қишлоқда маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида туман ҳокимлигига йўлланган депутатлик сўрови қаноатлантирилди. Натижада 26 киши янги иш ўринлари билан таъминланди ҳамда яна 15 нафар фуқаро фермер хўжаликлари, қурилиш ишларига жалб этилди.

Шунингдек, сайловчилар мурожаати депутатлар фаоллиги билан ҳудуддаги "Зартепа — Маҳалла" ва "Хатирчи — Зартепа" йўналишлари бўйича йўловчи ташиш транспорти қатнови йўлга қўйилди. Депутатлар кўмагида 6 нафар ҳайдовчи-тадбиркорлар фаолияти лицензиялаштирилди.

Мухтасар айтганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи жойларда ташаббуслар билан чиқиш, партия электорати манфаатларига жавоб берадиган муҳим масалаларга давлат ҳокимияти органлари эътиборини қаратиш, юзага келган муаммони Кенгаш сессиялари кун тартибига киритиш ва ижобий ҳал этишга бирламчи вазифалар сифатида қарамоқда.

**Мухбиримиз**

# Қорақалпоқлик иқтидор эгаси

**Ёшлар қаноти**

Қорақалпоқ халқида «Агар қилган меҳнатларинг асрларга татирлик бўлсин десанг, авлод тарбияла» деган, ибратли нақл бор.





Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ёш авлод тарбиясига боғлиқ ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларининг қабул қилиниши билан таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Келажак авлоднинг жаҳон стандартлари асосида билим олишлари учун замонавий ва қулай шарт-шароитлар яратилди. Натижада Ўзбекистон ёшлари дунёнинг ривожланган мамлакатлари ёшлари билан бемалол баҳслаша оладиган, мамлакат байроғини баланд кўтариб, юрт ғururини ҳимоя қиладиган, ҳақиқий келажак эгалари бўлиб улғаймоқда.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти фаолиятида асосий эътиборни партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини ёшларга тушунтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, элим, юртим, деб ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялаш мақсадларига қаратиб келмоқда. Бугунги кунда ёшларнинг куч-ғайрати, шижоати, замон билан ҳамнафас ҳаракат қилиш хусусиятларидан самарали фойдаланиш «Ёш адолатчи»ларнинг доимий шиорига айланган десак, муболаға бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Ажинияз Пахратдинов партия сайловолди дастурида илгари сурилган вазифалар мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш йўллари хусусида тўхталар экан, ёш авлод онгига мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини сингдириш, уларда инноваторлик кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда ёшларни мамлакатимизда юз бераётган бугунги сиёсий-иқтисодий жараёнларга жалб этиш, «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари сафидаги икки ярим мингдан ортиқ фаол ёшлар зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Вилоят партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаолларининг ҳудуддаги ёшлар орасида олиб бораётган тарғибот ишлари, билимдон ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятларини рўёбга чиқариш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ўз самараларини кўрсатмоқда.

Жумладан, ўзларининг тинимсиз изланишлари орқасидан эришаётган ютуқлари билан ўз тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган бугунги қорақалпоқ ёшлари ҳақида сўз кетганда, албатта, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаолларидан бири Айшолпан Оразимбетова истеъдодли, меҳнатсевар, билимга интилувчан ёшлар қаторида тилга олинади.

У 2011 йили «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган фанлар беллашувининг Республика босқичида қорақалпоқ тили ва адабиёти фанидан III ўрин, 2012 йилда эса II ўрин эгасига айланиб, Қорақалпоқ давлат университетининг филология факультетига журналистика мутахассислиги бўйича тест синовларисиз қабул қилинди.

Университетнинг профессор-ўқитувчиларидан журналистиканинг нозик сирларини пухта ўрганиш билан бирга, Қорақалпоғистон телевиденияси ва «Нукус-FM» радиоканалида фаолият юритаяпти.

Ёш ижодкорнинг 2012 йилда «Қорақалпоғистон» нашриётида «Элимнинг гул қизиман» деб номланган шеърий тўплами нашр этилди.

«Обод турмуш йили» деб ном олган 2013 йилнинг баҳори Айшолпанга ва унинг барча яқинларига катта қувонч олиб келди.

У Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Зулфия» номидаги Давлат мукофотига таълим соҳаси бўйича лойиқ топилди. Энг муҳими, «Ёш адолатчи» республиканинг чекка овул ва қишлоқларида, шаҳар ва туманларида ўтказилаётган давра суҳбати, учрашув ҳамда мулоқотларнинг фаол иштирокчиси. Бундай тадбирлар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қабул қилинаётган қонунлар моҳиятини чуқур англаб етган, хорижий тилларни пухта эгаллаган, миллий истиқлол ҳамда социал-демократия ғоялари билан қуролланган ёшларни кашф этаётгани билан эътиборга молик.

«Ёш адолатчилар» сафида ана шундай иқтидорли ёшларнинг борлиги бошқа сафдошларини ҳам юксак марраларга етаклайди, албатта.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши матбуот
хизмати котиби

**Олтин ёз — ўтмоқда соз**

4-сонли умумтаълим мактаби Кармана туманининг боғу гулзорларга бурканган бахаво ва гўзал, соя-салқин масканларидан бирида жойлашган. Бу ерда ташкил этилган "Бахтли болалик" мактаболди болалар оромгоҳида ўқувчиларнинг ёзги таътилда ҳар жиҳатдан сермазмун ва мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

# Бахтли болаликдаги бахтиёр дамлар

— Ватанимиз келажаги бунёдкорлари ҳисобланган болажонларга қувонч улашиш, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишлари йўлида ғамхўрлик кўрсатиш биз катталар учун ҳам қарз, ҳам фарз, — дейди мактаб директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Гулчеҳра Сатторова. — Шу мақсадда туман халқ таълими мутасаддилари, "Уйрот" ва "Янги ариқ" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда серҳиммат маҳаллий тадбиркорлар ҳомийлигида ташкил этилган оромгоҳимизда ўқувчиларнинг ёзги таътили қувончли онларга бой бўлаяпти. Мактабнинг 1-5 синфлари ўқувчиларидан иборат 100 нафар дам олувчилар ихтиёридаги 6 та машғулот хоналари, 4 та ётоқхона, спорт зали ва майдончалари, сузиш ҳавзаси барча талабларга жавоб беради. Майрам Тўхтаева, Наргиза Муртазаева, Дилхумор Жабборова, Наргиза Кенжаева сингари тарбиячилар, Маҳфуза Бобоқулова, Хуршида Нурова, Гавҳар Қўлдошева, Зуҳра Абдураҳмонова, Меҳринисо Тошева каби тўгарак раҳбарлари ҳар бир машғулотни кўтаринки кайфиятда, қувноқ ўйинларни қўллаган ҳолда ўтказишаётганлиги болажонларга манзур бўлмоқда.

Оромгоҳ раҳбари "Адолат" СДП фаоли Обид Туробов ҳамроҳлигида бу ердаги шароитлар билан танишиб дам олувчилар билан суҳбатлашар эканмиз, биз ҳам бунга ишонч ҳосил қилдик. Чарос Ғайбуллаева, Нодиржон Рўзиев, Нилуфар Ғайбуллаева, Давлатбек Сирожов сингари ўқувчилар оромгоҳдаги шарт-шароит ва имкониятлардан мамнун эканликларини тўлқинланиб гапиришди. Ўнлаб тўгараклар машғулотлари, мусобақа ва танловлар, саёҳатлар уларда унутилмас таассуротлар қолдираётганлиги, фикрлаш доираси, дунёқарашини кенгайтираётганлигини таъкидлашди. Тўгарак машғулотларида ўрганган инглизча шеър ва қўшиқлардан айтиб беришди.

**Олим ХЎЖАЕВ**



# Нуқтаи назар

**Сиёсий ўқув**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар партиялар зиммасига ташкилий ишлар самарадорлигини янада ошириш, фаолиятнинг услубий шаклларини такомиллаштириш, партияларaро рақобатни кучайтириш, жойларда фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш масъулиятини юкламоқда.

## Кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимисиз

### партия ўз дастурий вазифаларини ҳаётга тўлақонли татбиқ эта олмайди

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сирдарё вилояти Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлинмаси билан ҳамкорликда ҳудудий партия ташкилоти фаоллари учун ташкил этилган «Партия аъзоларида партия позициясини мустаҳкамлаш ва партиявий фаолиятни кучайтириш йўллари» мавзуидаги сиёсий ўқув машғулотида ана шу хусусда атрофлича сўз юритилди.

Партиянинг вилоят Кенгаши раиси ўринбосари М.Сиддиқова сиёсий партиялар жамиятда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш ҳамда жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда муҳим таъсир ўтказувчи кучга айланиб бораётганига алоҳида тўхталиб ўтди.

Партиянинг Сирдарё тумани кенгаши раиси Д.Яҳъяев ўз маърузасида партия фаолиятида кадрлар захирасини шакллантириш масаласи устувор вазифалардан бири эканлигини қайд этди.

— Кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимисиз партия ўзининг дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ эта олмайди, — деди маърузачи — Шу боис навбатдаги сайловларда муваффақият қозониш учун ҳозирданоқ бор куч ва имкониятларни ишга солиш, захира кадрларни тайёрлаш борасида зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак. Энг асосийси, халқ ичига пухта режа ва янгича ёндашув, дастурий ғоялар орқали чуқур кириб боришимиз лозим.

— Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан биридир, — деди кун тартибидаги навбатдаги масала юзасидан сўзга чиққан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси катта мутахассиси С.Бобоқулов. — Улар фуқаролик жамиятининг сиёсий тизим билан ўзаро алоқаларининг доимийлигини таъминлайди. Давлат ҳокимиятининг жамиятга боғлиқлиги ва унинг жамият томонидан назорат қилиниши кўп ҳолларда сиёсий партиялар воситасида амалга оширилади. Сиёсий партияларнинг мавжудлиги эса, ўз навбатида демократик тизим ривожланишининг зарурий шарт-шароитларидан биридир.

Қизғин ва амалий машғулотларга бой тарзда ўтган ўқув машғулоти сўнггида партия сафига янги аъзолар қабул қилиниб, уларга партия билетлари топширилди.

**Азизхон ЭШОНХОНОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати котиби

# Ишончни оқлаймиз

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳақиқатан ҳам Германиядан олиб келинган ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона қисқа вақт ичида Жиззах саноатининг локомотиви бўлса ажаб эмас. Ускуналарни монтаж қилишда биз ёшлар немис мутахассисларидан асло қолишмасликка интилаяпмиз. Бу мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитлар самараси, албатта. Германиялик ҳамкорларимиз ҳам ўзбек ёшларидаги интилувчанликка, янгиликни ва замонавий технологияларни тез ўзлаштириб олишига қойил қолишмоқда.

Корхонамизнинг технологик линияси энергия тежамкорлиги, экологик жиҳатдан афзаллиги, дастгоҳларга махсус микроқурилмалар ўрнатилганлиги билан ажралиб туради. Ушбу қурилмалар воситасида ускуналардаги нуқсонларни масофадан туриб интернет тизими орқали ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имконияти мавжуд.



Август ойида корхонамизнинг биринчи навбати ишга туширилиши туфайли йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш ўзлаштирилиб, 8,5 минг тонна калава ип ва 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Натижада 1050 та иш ўрни яратилади. Демак, аҳоли, айниқса, ёшлар кафолатланган иш ўринлари билан таъминланади.



Жиззах яқин йиллар ичида саноат соҳасида янада улкан ютуқларни қўлга киритиши шубҳасиз. Ахир яқиндагина вилоятимизда "Жиззах" махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Бу эса ишлаб чиқаришга замонавий, инновацион технологияларни жорий этишда жуда қўл келади.

Умуман олганда, мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашлари, ўз иқтидори ва салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Бизнинг замонавий корхонамиз ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий намунасидир. Фабрикада замонавий технологияларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори энергия тежамкорлиги, экологик тозалиги ва рақобатбардошлиги таъминланади. Бундай эътиборга жавобан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида ёниб яшаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

**Ҳасан ХУДОЁРОВ,**
**Хушнид АШИРМАТОВ,**
"Жиззах пластекс"
Ўзбекистон — Германия
қўшма корхонаси ишчилари

## "Камангарон" пойабзалига хориж харидор

**САМАРҚАНД.** ***Ургут туманининг Камангарон қишлоғида жойлашган "Камангарон" қўшма корхонаси ўз маҳсулотлари билан кўплаб харидорларга таниш.***

Болалар, хотин-қизлар ва эркаклар пойабзалининг 50 дан ортиқ замонавий моделларини ишлаб чиқараётган ургутлик ҳунармандлар бугунги кунга келиб, россиялик ва қозоғистонлик буюртмачилар билан экспорт шартномасини тузишга муваффақ бўлишди. Мазкур корхонада ойига 10 минг жуфт сифатли пойабзал тайёрланмоқда. Эътиборлиси шундаки, улар омборларда қолиб кетмай, дарров ўз харидорларини топмоқда.

— Шуни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида "Капиталбанк"нинг вилоят филиалидан 546 миллион сўмлик кредит олиб, спорт пойабзаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик — дейди қўшма корхона раҳбари Улфат Алимов.

Корхонада меҳнат қилаётган ишчи-мутахассисларнинг аксарият қисми касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларидир. Қишлоқда жойлашган иқтисодиёт ва маиший хизмат коллежи билан тузилган шартномага мувофиқ эса бу йил яна 30 нафар дипломли мутахассисни ишга олиш мўлжалланган.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ**

## "Ҳамкор мадад савдо"нинг дадил қадами

**ЖИЗЗАХ.** ***Ғаллаорол туманидаги "Ҳамкор мадад савдо" хусусий корхонасида шлакоблок ҳамда альюмин профилларидан эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.***

— Уч йил муқаддам фаолиятимизни қурилиш моллари савдосидан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Акмал Ҳамроев. — Ўтган йили брусчатка ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Жорий йилда банкнинг 38 миллион сўм кредити ва ўз маблағимиз ҳисобига янги лойиҳани амалга оширдик. Натижада 5 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ҳар ойда 35-40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз.

Айтиш жоиз, жорий йилнинг ўтган даврида туманда 90 дан ортиқ янги лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**

# Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги босқичда

**Концепция: устувор вазифалар**

Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мамлакатимизда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳиятига сингдирилди.



Жумладан Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг ҳал қилувчи вазифаси бўлиб келаётганлиги хусусида тўхталиб ўтилди.

Концепцияда давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш юзасидан билдирган таклифлари ижроси бўйича судга қадар иш юритиш босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чоралари ваколатлари прокурордан суд органларига ўтказилди, айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурор зиммасига юкланди ҳамда судлар ваколатидан жиноий иш қўзғатиш ваколати чиқариб ташланди. Шунингдек, қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишига хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолияти янада либераллашувини таъминлашга хизмат қилувчи "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ҳам шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мазкур йўналишдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бир қисми сифатида адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларни бериш, мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш белгилаб берилди.

Ушбу ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 июндаги "Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиш устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг жойларда ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда мазкур қарорда белгилаб берилган вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда Бош бошқарманинг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими томонидан вилоятдаги давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўрилмоқда.

Ҳудудий бўлим томонидан жорий йилнинг январь-май ойларида 2 та ўрганиш ва 2 та мониторинг, жами 4 та назорат тадбирлари ўтказилиб, уларда давлат органи тизимидаги 88 та идоралар фаолияти қамраб олинди.

Назорат тадбирлари натижасида 1000 га яқин турли қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик тўғрисида ўрганилган идораларга тегишли таъсир чоралари киритилди.

Ҳудудий бўлим томонидан мазкур қонунбузилишлар ҳолатларини бартараф этиш билан бирга, энг аввало, уларни келтириб чиқараётган сабаблар ва шарт-шароитларнинг олдини олишга эътибор қаратилмоқда.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар самараси сифатида фаолиятини бошлаган Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари жамиятимизнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликнинг сўзсиз таъминланишига хизмат қилмоқда. Қолаверса, ушбу янги тузилма давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларида қонунларга ҳурмат, масъулият ҳиссини ошириб, фуқароларимизда келажакка бўлган ишонч юксалишини таъминлайди.

**Элдор МАҲКАМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги Қонунчиликка
риоя этилиши устидан назорат
қилиш бошқармаси Сирдарё
вилоят ҳудудий
бўлими бошлиғи

**Сўраган эдингиз**

## Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман

Турар жойга эгалик ҳуқуқи берилмаган тақдирда объектни хусусий корхонага айлантириш учун қайси ташкилотга мурожаат қилинади?

*С.Рўзиев, Иштихон тумани*

*Сиз томондан вилоят кўчмас мулк биржаси орқали сотиб олинган кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида"ги 278-сонли қарорига асосан кўчмас мулк жойлашган туман (шаҳар) "Ермулккадастр" хизмати давлат унитар корхонасида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.*

*Мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган нотурар жойларни турар жой тоифасига ўтказиш учун туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилишингиз керак.*

*Мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган нотурар жойларни турар жой тоифасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Уй-жой, Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига ҳамда шаҳарсозликка оид бошқа ҳужжатларга риоя этилган ҳолда туман (шаҳар) ҳокимлари қарори билан амалга оширилади.*

*Мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган нотурар жойингизда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишингиз мумкинлиги маълум қилинади.*

Саволга "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ходими **Б.ИСАМЕТДИНОВ** жавоб берди.

## Далолатнома ёзувларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш тартиби

Қандай ҳолларда туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувимга ўзгартириш киритишга ҳақлиман?

*Р.Қаҳҳоров, Андижон шаҳри*

*Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 228-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш" Қоидаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш етарли асослар мавжуд бўлганда ҳамда манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаган ҳолда ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги ФҲДЁ органи томонидан амалга оширилади. Демак, юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда сиз ўзингизнинг туғилганлик ҳақидаги далолатномангиз ёзуви сақланаётган жойдаги ФҲДЁ бўлимида далолатнома ёзувингизга ўзгартириш киритишингиз мумкин.*

Саволга Булоқбоши туман ФҲДЁ бўлими мудираси **И.ДЖАЛИЛОВА** жавоб берди.

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Юртимиз довруғини, бағрикенг, саховатли халқимиз қадриятларини жаҳонга танитаётган, юртдошларимизни дунё янгиликларидан доимий равишда хабардор қилиб келаётган ОАВ ходимларини анъанавий касб байрами билан чин дилдан қутлайди. Барчаларига мустаҳкам соғлиқ, эзгу ишларида омад тилайди.









## Қутлов

# «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

**мажмуаси жамоаси**

Ўзбекистон халқини,
барча журналистлар ва матбуотчиларни
27 июнь —
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари
куни билан муборакбод этади.
Сиҳат-саломатлик,
омад Сизларга доимо ёр бўлсин!




**27 ИЮНЬ**

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



# Pharmed sanoat

**хусусий корхонаси жамоаси**

*Мамлакатимиздаги*
*барча журналистларни,*
*нашриёт-матбаа соҳаси*
*ходимларини анъанавий*
*касб байрами билан самимий*
*муборакбод этади.*

*Матбуот ва оммавий ахборот*
*воситалари ходимлари куни ҳар бирингизнинг ҳаётингизда*
*ўчмас из қолдиришини тилайди.*

ASAKA BANK

# “Асака” банк ОАЖ жамоаси

Бугунги кунда тобора таъсирчан
кучга эга бўлиб
бораётган ахборот
соҳасини ривожлантиришдек
олижаноб ишнинг фидойи
журналистлари, нашриёт ва мат-
баа соҳаси вакилларини

*Матбуот ва оммавий ахборот*
*воситалари ходимлари куни билан*
*самимий қутлайди.*

Ижод ва илҳом завқи
сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

27 июнь









Хоразм вилоятидаги "Қибла қурилиш материаллари савдо комплекси" МЧЖ мамлакатимизда нашр этилаётган газета ва журналларда, радио ва телевиденияда меҳнат қилаётган ижодий ходимларни, барча ОАВ вакилларини касб байрами билан чин қалбдан табриклайди. Уларга сермашаққат ишларида улкан ютуқлар тилайди.

Ўзига 128 нафар тадбиркор, 7 та ишлаб чиқариш цехи, 6 та дўкон ва 3 та умумий овқатланиш шохобчасини бирлаштирган "Қибла қурилиш материаллари савдо комплекси" МЧЖда яратилган қулайликлардан бугун кўпчилик мижозлар мамнун. Бу жамоада йилнинг ўтган даври мобайнида 400 миллион сўмга яқин тушум топширилиб, режа ортиғи билан бажарилди.

— Мижозларга холис хизмат кўрсатаётганимиздан мамнунмиз, — дейди МЧЖ раиси Матназар Якубов. — Юртимизда тадбиркорларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар боис мазкур соҳа жадал ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз жадал тараққий этаётган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаяпти.

Қўшкўпир туманида яшовчи ҳунарманд Баҳром Жуманиёзов ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Оила аъзолари ва ўнлаб шогирдлари билан бирга ёғоч ўймакорлигини йўлга қўйган ҳунармаднинг оилавий устахонасида ҳозир миллий услибдаги 30 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланяпти.






"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси

# "Нукус универсал базаси"

МЧЖ жамоаси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан соҳа фидойиларини самимий муборакбод этади!

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга астойдил ҳисса қўшиб келаётган журналистлар ва барча матбуот ходимларига куч-қувват, сиҳат-саломатлик, янгидан янги ижодий парвозлар тилаб қолади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Танлов мавзуси:* **«Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТларнинг фаоллигини ошириш»**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда ННТлар фаоллигини ва самарали иштирокини таъминлаш;
- экотуризмни ривожлантириш;
- аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш;
- муқобил энергия манбаларидан, замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларидан уй хўжалиги, деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорликни юритишда кенг фойдаланиш;
- чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш;
- биохилмахилликни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ноёб турларини сақлашга кўмаклашиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назорати механизмларини ривожлантириш;
- табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб қилиш.

***Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:***

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.**

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

*Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг* **www.fundngo.uz** *расмий сайтида танишиш мумкин.*

**Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Танлов мавзуси:* **"Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан яқиндан таништириш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириш"**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш соҳасида ижтимоий шерикликни кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;
- ёшларга эҳтиёж мавжуд бўлган касбларни ўрганишига, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;
- истеъдодли, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этилишига, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилишига шароит яратиш;
- ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан ошно қилиш;
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, турли зарарли хавф ва бошқа ёт таъсирлардан, савияси паст «оммавий маданият»нинг ёшлар онгига сингдирилишидан ҳимоя қилиш.

***Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:***

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.**

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй" манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.**

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида қурилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёж борган сайин ортмоқда. Давлатимизда барпо этилаётган иншоотларнинг нафақат кўриниш жиҳатидан кўркам, балки узоқ йилларга мўлжалланган сифатли ва халқаро андозаларга мос қурилишига ҳукумат миқёсида эътибор қаратилиши қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар зиммасига масъулият юклайди.

# Импортга ҳожат қолмади



Бугунги кунда юртимизда қурилиш тармоғига тегишли 5200 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳақда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси ташаббуси билан "Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноатининг ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида сўз юритилди.

1997 йилда акциядорлик компанияга айлантирилган ташкилотда қурилиш бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан бойитиш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизациялаштиришга оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш ҳамда энергия тежовчи технология ва ускуналарни ўрнатган ҳолда ягона техникавий сиёсатни амалга ошириш ҳамда мониторинг ўтказиш билан шуғулланилмоқда.

— Қулай инвестицион муҳит яратилиши натижасида компания таркибида 2004 йил 5 та қўшма корхона мавжуд бўлгани ҳолда, бугунги кунга келиб уларнинг сони 24 тага етди, — дейди компания бошқарма бошлиғи И.Арсланов. — Уларда 30 та янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолияти натижасида гипсокартон листларини четдан олиб келишга эҳтиёж қолмади. Қолаверса, "Кнауф Маркетинг Ташкент", "Панел Пласт" сингари қўшма корхоналар ўз маҳсулотларини Россия, Қирғизистонга экспорт қилишмоқда. 2013-2015 йилларда экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи қатор корхоналарни ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари компания мутасаддиларидан қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

# Самарали ҳамкорлик

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига Пусан шаҳри Савдо-саноат палатаси президенти Чо Сунг Жеем раҳбарлигидаги Корея Республикаси ишбилармон доиралари делегацияси ташриф буюрди.

Корея делегацияси таркибига қурилиш, машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик саноати, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган компаниялар раҳбарлари кирган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида 200 дан зиёд икки томонлама ҳужжатлар имзоланган. 2012 йил якунлари бўйича икки томонлама савдо ҳажми 2011 йилга нисбатан 131,4 фоизга ўсди ва 2139,6 миллион долларни ташкил этди.

Корея капитали иштирокидаги корхоналар сони республикамизда 400 дан зиёдни ташкил этди, уларнинг 67 таси 100 фоизлик Корея капитали билан. Мазкур корхоналар асосан савдо, енгил, тоғ-кон, кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади.

Учрашувда таъкидланганидек, Ўзбекистон икки томонлама савдо ҳажмини янада оширишдан манфаатдор.

Ўзбекистон ва Кореяда миллий кўргазма ва ярмаркаларни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бевосита ҳамкорликни чуқурлаштириш ва савдо алоқаларини кенгайтириш учун имконият яратади.

**Савдо-саноат палатаси**
матбуот маркази

Ўзбекистон Республикаси
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
акциядорлик компанияси жамоаси

*27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўзининг фидокорона меҳнати ила элимизга сидқидилдан хизмат кўрсатаётган забардаст журналистларни, ўткир қалам соҳибларини, ноширу матбаачиларни самимий муборакбод этади!*

**Сизларнинг озод ва обод юртимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган сермаҳсул ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлишини тилаймиз.**

МТУ



**Ўзбекистон Республикасининг вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!**

## Солиқ имтиёзлари

# Алоқалар тезкорлиги таъминланяпти

Бугунги кунда юртимизда ахборот-коммуникация технологияларидан халқ хўжалигининг барча соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Таъкилаш жоизки, мазкур йўналишда Давлат солиқ органлари томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар диққатга сазовордир.

Биргина Бухоро вилояти мисолида фикр юритадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимиз бўйича 12005 та юридик шахслар томонидан 107207 та ҳисобот электрон шаклда юборилган. Эътиборлиси, бунинг натижасида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 155-сонли қарори ижроси таъминланиб, солиқ тўловчиларга тўғридан-тўғри ҳудудий ДСИлар билан боғланиш имкони туғилмоқда. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар ДСИларга бормасдан туриб ўзининг корхонаси тўғрисидаги ҳар қандай маълумотни электрон имзоли калит орқали компьютерда шахсий ҳисоб варақасидаги боқиманда, ортиқча тўлов, товон суммаларини кўриш, шу билан биргаликда, солиқ қонунчилиги бўйича режали текширишга қўйилган давр ва назорат органларининг текшириш жараёнида ўрганиладиган текшириш саволномаларини олиш имкониятлари мавжуд. Ушбу хизматларнинг қулайликларидан яна бири фойдаланиш жараёнида электрон рақамли имзо талаб этилмайди.

Айни кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини янада кенгайтириш ва уларни такомиллаштириш борасида соҳа мутахассислари томонидан янада кенгроқ изланишлар олиб борилмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари «Кўп учрайдиган саволлар», «Солиқ низоларини кўриб чиқиш», «Солиқ органларининг расмий тушунтиришлари», «Сўровнома», «Контрагент ҳақида маълумот» ва «Жисмоний шахслар солиқлари бўйича маслаҳатчи» каби янги хизматлар билан янада бойитилди. Яъни, бугунги кунда ДСҚ томонидан кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари 23 тага етди.

Хулоса ўрнида яна бир бор айтиш мумкинки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари юридик ва жисмоний шахсларга ўзининг қулайлиги ва имкониятларининг кенглиги билан маъқул бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиз фуқаролари билан солиқ хизмати органлари ўртасидаги алоқаларнинг тезкорлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

**Анвар РАЖАБОВ,**
Бухоро вилоят ДСБ шўъба бошлиғи

# Имтиёз ва самара

*Оиламиз аъзолари билан ишлаб чиқариш корхонаси очиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи эдик. Оилавий тадбиркорликка имтиёзлар борлиги хусусида эшитиб қолдим. Шу хусусда маълумот берсангизлар.*

*Н.Қодиров,*
*Тошкент шаҳри*

Оилавий корхона тузилишига оид талаблар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни асосида тартибга солинади. Унга кўра, оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Оилавий корхона мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаш, мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш, қарз маблағларини жалб этиш, шу жумладан, дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун кредитлар олиш, лизинг ва суғурта хизматларидан фойдаланиш, шартномалар тузиш, товарларни харид қилиш, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш, ўз фирма номи ёзилган муҳрлардан, бланкалардан ва штамплардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари, хусусан, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида амалга оширади.

Оилавий корхоналарнинг ривожланиши аҳолини, шунингдек, оиланинг ёш аъзоларини иш билан таъминлашга ва шу аснода уларнинг даромадларини кўпайишига, турмуш фаровонлигини юксалишига, янги иш ўринларини яратилишига хизмат қилади.

**Жаҳонгир НОРХОДЖАЕВ,**
Сергели тумани ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари

# Гиёҳванд моддалар йўқ қилинди

## Ҳушёрликка даъват

Гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши глобал миқёсдаги муаммолар сирасига киради. Шу боис 26 июнь санаси Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган гиёҳванд моддаларнинг навбатдаги туркуми йўқ қилинди.

Тадбирда БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда қўлланиладиган амалиётга мувофиқ, судларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик воситалар ҳукм кучга киргач, Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида махсус ажратилган печларда ёқиб юборилади. Мазкур тадбир доирасида 1 тонна 537 килограмм наркотик воситалар, шу жумладан, 198,2 килограмм героин, 760 килограмм қорадори, 411 килограмм марихуана, 140,7 килограмм гашиш, 27 килограмм кўкнори, 20 минг тупга яқин наша ўсимлиги, шунингдек, кўплаб таблетка ва эритмалар шаклидаги психотроп препаратлар йўқ қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз 1995 йил февралда БМТнинг 1961 йилда қабул қилинган Наркотик моддалар тўғрисида, 1971 йилда қабул қилинган Психотроп моддалар тўғрисида ҳамда 1988 йилда қабул қилинган Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

— Гиёҳванд моддаларни назорат қилишни мувофиқлаштириш учун республикамизда Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси ташкил этилган ва 1996 йилда унинг доимий ишловчи аппарати Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази тузилган, — деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази бўлими бошлиғи А.Эркабоев. — Ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик ҳам фаоллашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Европа иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари бажарилмоқда.

Имзоланган битимлар доирасида БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерациясининг мувофиқлаштирувчи тузилмалари билан наркотикларга оид вазият тўғрисида маълумот алмашинуви таъминланмоқда.

БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий вакили Асиф Мажид гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги роли алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бераётганини қайд этди ва наркобизнесга қарши курашиш бўйича халқаро фаолиятда мувофиқлаштирилган ҳолда ҳаракат қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Гиёҳванд моддаларга қарши курашишда Ўзбекистон билан 8 йилдан буён яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — деди Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори вакили Дьердь Сабо. — Жорий йилда бу соҳада алоҳида англашув меморандуми имзоладик ва махсус лойиҳани амалга оширмоқдамиз. Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш ташкилотимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, дунёнинг 57 та мамлакати билан мазкур йўналишда ҳамкорлик ўрнатилган ва бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз ҳам самарали кечмоқда.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг қонунга зид фаолиятини аниқлаш ва уларга чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича махсус тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, 2012 йилда наркотикларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 8155 тани ташкил этган. Уларнинг 4217 таси наркотик моддаларни ўтказиш, 676 таси контрабанда, 1479 таси гиёҳвандлик ўсимликларини экиш, 157 таси бангихоналар ташкил қилиш ва 1626 таси бошқа турдаги наркожиноятлардир.

Афғонистонда ишлаб чиқарилган гиёҳвандлик моддалари Ўзбекистон ҳудудига, асосан, Тожикистон, Қирғизистон ва бевосита Афғонистондан кириб келмоқда. Наркотик моддаларни ташувчилар ушбу «заҳри қотил»ни мева-сабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларидаги хуфия жойларда, қўл юклари, маиший буюмлар, кийим-кечаклар орасида, инсон танаси, ҳатто, ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси томонидан наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ўнлаб жиноятлар ҳамда фактлар аниқланди.

Катта миқдордаги гиёҳванд моддаларнинг йўқ қилинишига қаратилган мазкур тадбир орқали минглаб инсонлар ҳаётини «заҳри қотил» хуружидан сақлаб қолинди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

## ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ САОДАТИ

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида журналистика соҳасида "Инсонга наф келтириш — олий бахт" республика анъанавий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 2011 йилдан буён ўтказилаётган «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловидан кўзланган мақсад инсон манфаати йўлидаги ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, баркамол авлод тарбияси, аҳолини кучли ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга оид эзгу саъй-ҳаракатларнинг аҳамиятини халқимизга етказишда фаоллик кўрсатаётган журналистларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Жорий йилда мазкур танловга 100 нафарга яқин журналистнинг мингдан ортиқ ижодий иши тақдим этилди.

Танловда бир гуруҳ журналистларга совғалар топширилди.

**Садоқат КУПАЛОВА**

# «TOSHKENTGAZTA`MINOT» unitar korxonasi

Замон билан ҳамнафас яшаб, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган барча қалам аҳлини

27 июнь —

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий қутлайди.



# “Жомбой жавоҳири” қўшма корхонаси жамоаси

Истиқлол солномасини битаётган фидойи журналистлар, нашрлар ва матбуотчиларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан муборакбод этади. Машаққатли ва шарафли ишингизда Сизларга омад ҳамиша ёр бўлсин!




Танлов давом этмоқда!

# ОБОД турмуш юрт

**“Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти газета муаллифлари, барча ижодкорлар иштирокида “Обод турмуш йили”га бағишланган “Обод турмуш — обод юрт” танловини ўтказади.**

Юртимизнинг тинчлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги, азиз фарзандларимизнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб воятга етаётгани ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалаётгани халқимизнинг, ҳар биримизнинг энг катта ютуғимиз, буюк келажагимизга бўлган ишончимиздир.

2013 йил – Обод турмуш йилида олдимизда янада масъулиятли, улуғвор вазифалар турибди. Ҳаётимиз тинч, янада сермазмун ва файзли, ҳосил хирмонларимиз янада баракали, дастурхонимизнинг тўкин бўлиши учун астойдил меҳнат қилишимиз, “Адолат” СДП дастурларида кўзда тутилган вазифаларни тўла амалга ошириш учун партия аъзоларини, сафларимизга кириб келаётган ёшларни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига янада фаол жалб этиш, уларда миллат равнақи, Ватан тараққиёти учун масъуллик ҳиссини оширишга алоҳида эътибор беришимиз зарур бўлади. Шу билан бирга, жамиятнинг муҳим таянчи бўлган оила ва маҳалла институтларининг мустаҳкамлиги, турли миллат ва элат вакилларининг аҳил-иноқ, меҳр-мурувватли ҳаёти, ёшларнинг истиқлол ғояларига садоқати, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари, миллий-маънавий қадриятларимизнинг улуғланиши ҳам диққат эътиборимизда бўлиши керак.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, газетамиз саҳифаларида **“ОБОД ТУРМУШ — ОБОД ЮРТ”** мавзусида мақолалар, очерк ва лавҳалар ҳамда фотосуратлар танловини ўтказишга қарор қилдик.

***Танлов уч йўналишда ўтказилади.***

I. **“Элим деб, юртим деб яшайман”**

Бу йўналишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган, “Адолат” СДП Низоми ва ҳаракат дастурида ҳамда “Обод турмуш йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда ташаббускорлик қилаётган ватандошларимиз, уларнинг ибратли ишлари, эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

II. **“Обод турмуш манзаралари”**

Бу йўналишда мамлакатимизда халқимиз турмушини янада фаровонлаштириш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, келгуси авлодларга Озод ва Обод Ватан қолдириш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, кундан-кунга чирой очаётган шаҳар ва қишлоқларимиз ҳақидаги фотосуратлар эълон қилинади.

III. **“Файзли хонадон”**

Бу йўналишда истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб, тинч-тотув ҳаётимизга шукроналар айтиб умргузаронлик қилаётган, маҳаллада ибратли, обрў-эътиборли, фарзандлари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этаётган оилалар, сулолалар ҳақида очерк, эссе ва суҳбатлар эълон қилинади.

*Танлов 2013 йилнинг 1 ноябригача давом этади.*

Ғолиблар мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган куни арафасида эълон қилинади ва мукофотлар тантанали равишда топширилади.

*Ғолибларни мукофотлаш:*

***1 та биринчи ўрин:*** ойлик энг кам иш ҳақининг саккиз баробари миқдорида;

***2 та иккинчи ўрин:*** ойлик энг кам иш ҳақининг олти баробари миқдорида;

***3 та учинчи ўрин:*** ойлик энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида;

***3 та рағбатлантирувчи мукофот*** — ойлик энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида.

**Материаллар “Обод турмуш — обод юрт” танловига” деб кўрсатилган ҳолда “Адолат” газетаси таҳририятига юборилиши лозим.**


Reklama

## “4-AVTOBUS SAROYI” ОАЖ

**“D” тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилинади.**

**Ўртача ойлик иш ҳақи**
**“Мерседес-Бенц” автобуси ҳайдовчилари учун**
**750-800 минг сўм.**
**Ўртача ойлик иш ҳақи**
**“Исузу” автобуси ҳайдовчилари учун**
**500-600 минг сўм.**
**Чипта сотувчилар учун ўртача ойлик иш ҳақи**
**250-300 минг сўм.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 27-уй.**



Телефонлар: 215-87-24, 215-87-25.



Reklama

## “Эртаклар олами”дан ажойиб янгилик

**Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳрида харидорларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратиш мақсадида Амир Темур кўчасида жойлашган Истироҳат боғи рўпарасида “Эртаклар олами” номли янги савдо шохобчаси очилди. Ушбу савдо дўконида турли хил аёллар либоси харидорларга таклиф қилиниб, ўзларига ёққан маҳсулотни харид қилувчиларга яна бир буюм совға тариқасида туҳфа қилинади. Ушбу имтиёздан фойдаланиш истагида бўлганларни мўъжизали масканимизга таклиф этамиз. Савдо дўкони 24 соат давомида мижозларга хизмат кўрсатади.**

**Мурожаат учун тел.:**
**+99893 531-14-27**


**Бизни қутлайдилар**

## “Адолат”чиларга

Сўз кетса гар қалам аҳлин
Ўз касбига садоқатдан,
Тўрт сатрлик хабар учун
Куюнчаклик, матонатдан –
Мен айтаман: “Ҳеч қўймасин
Ўзимизнинг “Адолат”дан!”

Биров билар, биров билмас:
Газитчилик осон эмас,
Гарчанд ҳеч ким раҳмат демас,
Кимлар ҳатто писанд қилмас,
Фидоликни ўрганинг бас,
“Адолат”дан, “Адолат”дан!

Эл дардидан сўйлайди у,
Юрт тақдирин ўйлайди у,
Камчиликни қўймайди у,
Лоқайдликни суймайди у,
Одам ўқиб тўймайди-ку,
“Адолат”ни, “Адолат”ни!

Адолатдир бош шиори,
Демак кучдир унинг ёри,
Саҳифада аён бори,
Мухлислари мададкори,
Қатордаги элнинг нори –
“Адолат”дир, “Адолат”дир!

Ҳар жумада кичик байрам:
Етиб келар “Адолат” ҳам,
Демак қувонч бизга ҳамдам,
Омон бўлсин, ҳеч билмай ғам,
Энг суйимли, зўр газетам:
Адолатли “Адолат”им!

**Муҳаммадюсуф АШИРОВ,**
Жиззах туманидаги
30-мактаб битирувчиси



## Ёш футболчиларимиз – гуруҳ пешқадами

**“Жаҳон чемпионати – 2013”**

**Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Туркияда давом этаётган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг “F” гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.**

Мусобақанинг иккинчи туридан жой олган Ўзбекистон ва Хорватия ўйини барчанинг диққат марказида бўлди. Негаки, ҳар икки жамоа дастлабки турда ғалаба қозонган, ушбу баҳс ғолиби муддатидан олдин плей-офф босқичига чиқарди.

Ўйин кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. 24-дақиқада ҳужумчиларга ёрдамга келган марказий ҳимоячимиз Сардор Раҳмонов хорватияликлар дарвозасини аниқ нишонга олди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида хорватияликлар етакчиси Марко Ливая ҳисобни тенглаштирди. Қолган дақиқаларда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Иккинчи учрашувда 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, тўрт очко жамғарган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўплар нисбатига кўра гуруҳда биринчи, хорватияликлар эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди.


# ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146); Маънавият ва маданият бўлими ***288-46-64*** (151), Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — А.Йўлдошев. **Навбатчи** — Ғ.Хидиров



«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.



1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz**
**adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

9 772091 521009

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 600. Ҳажми — 6 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 12320
Босишга топшириш вақти — 20.40 Босишга топширилди — 00.40
1 2 3 5


“O`zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси “Ахборот” информацион эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири

**Толибжон ТЎРАҚУЛОВ**нинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.